

В статье анализируются некоторые взгляды о ожидаемых изменениях в системе общества на основе развитии информационных технологий. Рассматриваются необходимость понятий информационное общество, виртуализация экономики, информатизация для развития общества.

The article is analysed some views about further changes in the system of society due to the development of information technologies. They are considered notion information society, virtualization of the economy, informatization for the development society.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХИЙ ТАХЛИЛ (1996-2020йй)

А.А.Мамажанов – ўқитувчи

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: автомобиль саноати, енгил автомобиллар, юк автомобиллари, автобуслар, “UzDAEWOOAvto”, «ЎзАвтоСаноат», «СамКочАвто», «GM Uzbekistan».

Ключевые слова: автомобильная промышленность, легковые автомобили, грузовые автомобили, автобусы, “UzDAEWOOAvto”, «ЎзАвтоСаноат», «СамКочАвто», «GM Uzbekistan».

Key words: motor-car industry, cars, trucks, buses, , “UzDAEWOOAvto”, «ЎзАвтоСаноат», «СамКочАвто», «GM Uzbekistan».

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тарққийт йўлидан собитқадамлик билан борар экан, бу йўлдаги пухта ўйланган ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлар амалда ўз натижасини бермоқда. Мамлакатимизнинг янги марраларидан бири, иқтисодиётдаги янги тармоқ –Автомобил саноатининг йўлга қўйилиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил июн ойида Корея Республикасига ташрифи мамлакат автомобилсозлик саноатининг тамал тоши қўйилишига сабаб бўлди. Ўша йилнинг июль ойида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида Асака шаҳрида автомобил заводи қуриш бўйича сўровнома уйиштирилиши ҳамда ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “UzDAEWOOAvto” қўшма корхонаси барпо этиш тўғрисида” ги фармойишнинг қабул қилиниши нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи автомобил заводининг барпо этилишига сабаб бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳоннинг 28 та автомобил ишлаб чиқарувчи давлатларидан бирига айланди.

Автомобил ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнлари комплекс равишда ривожлантирилиши юртимизда машинасозлик, металлургия, радиоэлектроника, нефтни қайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик саноатини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараккий эттиришга ёрдам бермоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, автомобилсозликда яратилган бир янги иш ўрни бошқа турдош соҳаларда камида етти иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Автомобил саноати республика саноатининг таркибий жиҳатдан ўзгаришига сабабчи бўлди. Автомобилсозлик комплексининг ривожланиши қўшимча ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушишига, янги иш ўринларининг яратилишига туртки бўлди. Автомобил заводи ташкил топган 1995-1996 йилларда «O‘z-DongJu», «O‘z-DongVon», «O‘z-Tong Xong», «O‘z-SeMyung» каби 10 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда «ЎзАвтоСаноат» акциядорлик компанияси таркибидаги 35 дан ортқ йирик қўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу қўшма корхоналарнинг ўзаро ҳамжихатликдаги фаолиятининг биринчи календар йилида 25,3 минг енгил машина ишлаб чиқарилган бўлса, 1997 йилда жами 64,9 минг дона уч турдаги енгил автомобиллари, 25 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди [1:236]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 ноябрдаги “«СамКочАвто Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги 381-сон Қарорига асосан «Ўзавтосаноат» уюшмасининг Самарқанд «АвтоВАЗагрегат» ОАЖ таркибида Туркиянинг “Коç Holding” компанияси билан биргаликда UzOtoyol (Otoyol) иккита турдаги

автобуслар ва уч турдаги енгил ва ўрта юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводнинг ишга туширилиши мамлакат автомобил саноатидаги янги бурилиш бўлди.

2001 йилда «Ўзавтосаноат» уюшмасининг таркибидаги корхоналар томонидан жами 41,4 минг дона турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилди. Уларнинг 41,0 минг донаси Асака автомобил заводида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар хиссасига тўғри келса, Самарқанд автомобил заводи томонидан ишлаб чиқарилган 93 минг дона юк машиналари 307 таси автобуслар хисобига тўғри келади. 2007 йилга келиб мамлакатда жами 173,3 минг дона автомобиллар ишлаб чиқарилди. Буларнинг 384 мингтаси юк автомашиналари ва 1116 донаси автобусларни ташкил қилса, 171.8 мингтаси тўрт русумдаги енгил турдаги автотранспорт воситалари хисобланади [1:237].

Жаҳон бозори ишлаб чиқарилаётган автомобил моделларини мутассил янгиллаб, сифатини мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этади. Чунки кучли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб туриш осон эмас. Damas, Tico, Nexia автомобиллари Ўзбекистон автосаноатининг биринчи “қалдирғочлари” бўлган эди. Кейинчалик Matiz, Lacetti, янги русумдаги Damas, Nexia автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўзбекистон автосаноати 2008 йилда янги ҳамкор ва салохиятли инвестор – General Motors корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака автомобил заводида Chevrolet русумидаги Lacetti, Captiva, Epica автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди. 2010 йилнинг август ойидан эса «GM Uzbekistan»нинг янги русумдаги Chevrolet Spark автомобили харидорларга тақдим этилди.

«СамКочАвто»нинг барча акциялари “Ўзавтосаноат” томонидан олиниши билан корхона тўла ўзбек капитали асосида шакллантирилган ташкилотга айланди. Мулкчилик шакли ўзгариши билан “СамКочАвто” қўшма корхонаси ташкилоти номи “СамАвто” МЧЖга ўзгарди. Таъсисчилар таркибига “Асака” банки кирди. ISO 9001, ISO14001, OHSAS 18001 стандартларига биноан менежмент киритилган тизимини татбиқ этди. Натижада ISUZU корхонасининг С ва Е серияси оғир юк машиналари ишлаб чиқарилиши ўзлаштирила бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ, корхонада оғир юк машиналари С YZ 51 KLD ўзи ағдаргичлари ва EXZ 51 KL ўзи тортувчилари ишлаб чиқарилиши бошланди [3].

Корхона Италия, Германия, Япония Туркия ва Англиядан келтирилган юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган. Корхона буюртмачиларнинг хоҳишига биноан, исталган турдаги кузовларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлиб, Ўзбекистон талабларига мос келадиган ҳамда нефт ва газ, тоғ маъданларини казиб чиқариш ва йўлсозлик каби иқтисодиётнинг

илғор соҳаларида зарур бўладиган тиркамали, бортли ва ағдарма машиналарни ишлаб чиқаришни самарали ўзлаштирди.

Бунинг натижаси ўларок, мамлакат автомобил ишлаб чиқариш салоҳияти бир неча баробар ўсди, шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам салмоқли даражада ривожланди. 2011 йилга келиб бир йилда ишлаб чиқарилган автомобиллар сони 224483 донани ташкил қилди. Жумладан, енгил автомобиллар 22202 донани ташкил қилди, автобуслар ишлаб чиқариш 1268 тага етказилди, юк автомобиллари эса 1497 донани ташкил қилди [4:29].

Бугунги кунда “СамАвто” МЧЖ (4 тоннадан 7 тоннагача бўлган) ўртача автобуслар ва ИСУЗУ шассисига асосланган кичик тоннали юк машиналарини йиғиш билан шуғулланмоқда. “СамАвто” МЧЖ ишлаб чиқарган минибуслар шаҳар маршрутига мўлжалланган бўлиб, 37 йўловчи сиғимига эга. Самарқанд автомобил заводининг аксарият давлатлардаги ҳамкорлари юк автомобилларининг фақат шасси қисмининг ўзинигина ишлаб чиқарадиган бўлса, улардан фарқли равишда, ушбу заводда юк автомобиллари тўлалигича ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда бу ерда сиқилган табиий газдан фойдаланган ҳолда ҳаракатланувчи юк автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Завод муҳандисларининг изланишлари натижасида яратилган 30 дан ортиқ кузов турлари ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бортли, енгил ва термоизоляция фургонлар, рефрижераторлар, сув, нон, сут ҳамда турли ичимликларни ташишга мўлжалланган автомобиллар, ағдарма машиналар ва кўчма (мобил) қон қуйиш станциялари ва ўт ўчириш автомобиллари, кўчма дорихоналар, газ-қутқарув, штаб, махсус транспорт воситалари, шулар жумласидандир [5].

Автомобилларимиз кенг тармоқли дилерлик савдо корхоналари орқали Россия, Украина, Беларус, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, хорижникидан асло қолишмайдиган сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бамперлар, тутун чиқаргичлар, ёнилғи бақлари, автомобил ойналари, аккумуляторлар, электр ўтказгичлар учун жгутлар, автомобил салонининг ички қоплаш қисмлари, трубапар, бўёқлар ва бошқа кўпгина жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Кейинги беш-олти йил ичида маҳаллий етказиб берувчилар сони йигирмадан икки юзга етди [6:189].

Шу билан бир пайтда Ўзбекистон автомобилсозлари янги марраларни кўзлаб, изланишларни давом эттиридилар. 2008 йил мамлакатимиз автомобил саноати ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Ўша йилнинг 21 феврал куни Асака автомобил заводи негизда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «GM O'zbekiston» корпорацияси таъсисчилигида янги қўшма корхона – «GM O'zbekiston» ташкил этилди. Ўзбек автомобиллари моделлари катори янги, замонавий ва сифатли автомобиллар ҳисобига янада кенгая бошлади. “Chevrolet” русумидаги моделлар – “Epica” va “Captiva” ни ишлаб чиқариш бошланди. Ноябрь ойида эса Асака автомобил заводи конвейеридан миллионинчи автомобил чикди.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ривожланиш дастури доирасида 2008-2010 йилларда 770 мил-

лион АҚШ доллари қийматидаги 40 дан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, 2011-2012 йилларда эса 30 лойиҳа доирасида 470 миллион АҚШ доллари-дан ортиқ сармоя ўзлаштирилишини ўз олдига мақсад қили қўйди ва пировардида бунга эришилди [7:15].

Амалга оширилган ислохотлар самараси ўларок, 2014 йилда мамлакатда саноат маҳсулотлари (товарлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми 67097,5 млрд сўмни ташкил этиб, унинг 14333,7 млрд сўми машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр метал буюмларни ишлаб чиқариш хиссасига тўғри келган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 117736,0 млрд сўмни ташкил қилиб, унинг 21333,5 млрд сўми машинасозлик саноати хиссасига тўғри келди [8:11-12].

Сўнгги йилларда республикаимизда жадал ўзгаришлар тизимли давом этиб, юртимиз равнақини белгилаб берувчи муҳим иқтисодий пойдеворни мустаҳкамлаш йўлида улкан қадам бўлди. 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш асосий вазифалар қилиб белгилаб берилди.

Жумладан, саноат корхоналарини, ҳусусан автомобилсозлик саноати корхоналарини комплекс ривожлантиришни жадал суратлар билан босқичма-босқич ривожлантириб бориш орқали ушбу соҳа фаолиятини яхшилашга катта эътибор қаратилди. Бу борада, саноатнинг ушбу турига хорижий сармоя киритилишини янада кўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларнинг кўламини оширишга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодий бароқарорликка эришишга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида, ҳозирда юртимиз автомобил саноати соҳасида 18 мингдан ортиқ киши иш билан банд бўлиб, уларнинг аксарияти маҳаллий кадрлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, автомобилсозлик саноати мамлакат иқтисодиётининг устувор мажмуаси ҳисобланади. Турли русумдаги автомобилларни ишлаб чиқариш кенг ривожланган корхоналарининг истиқболи ва ҳудудий жойлашувини инсон омили белгилайди. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 51 фоизи қишлоқда яшайди. Уларни иш билан таъминлаш жиддий ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Мустақил республикаимизнинг мустақиллигини сақлашда ва мустаҳкамлашда автомобилсозлик саноатини ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёсдир.

Шунинг учун ҳам ҳудудлар иқтисодиётининг, умуман, халқ ҳўжалигининг тараққиёт даражаси автомобилсозликнинг ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Мамлакатлар иқтисодиётини қай даражада ривожланганлигини ўша мамлакатлардаги машинасозлик саноатининг ривожланганлиги даражасига қараб билиб олишимиз мумкин. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, машинасозликнинг ривожланиши Ўзбекистон учун катта ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Маълумки, аксарият машинасозлик тармоқлари жуда сермеҳнат бўлиб, Ўзбекистон сингари меҳнат ресурслари тез кўпайиб бораётган давлатларда аҳолининг банд бўлишида муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг йиллик статистик тўплами 2008. –Тошкент: 2009, 236-б.
2. <http://uzavtosanoat.uz/uz/SAMAVTO.html>

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: «Ўзбекистон» 2013. 29-б.
4. “UzAvtoSanoat” АЖнинг йиллик ҳисоботи. <http://uzavtosanoat.uz/uz/SAMAVTO.html>
5. Soliyev A., Nazarov M., Qurbonov Sh. O'zbekiston hududlari ijtimoii-iqtisodiy rivojlanishi: monografiya. – Т.: «Mumtoz so'z», 2010.
6. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси жорий архиви. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ривожланиш дастури. 15-б.
7. Ўзбекистон Республикаси Длат Статистика Кўмитаси. Ўзбекистон саноати 2018. Статистик тўплами. –Тошкент: 2018. 11-20-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ташкил этилган саноатнинг янги соҳаси-автомобилсозлик саноати, унинг ривожланиш тенденциялари, қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари статистик маълумотлар, адабиётлар ҳамда бирламчи манбалар асосида таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе статистических данных, литературы и первоисточников анализируется новая промышленность Республики Узбекистан за годы независимости - автомобильная промышленность, тенденции её развития, достижения, реформы и их результаты.

SUMMARY

Based on statistical data, the article analyzes literature and primary sources, the new industry of the Republic of Uzbekistan over the years of independence – motor-car industry, its development trends, achievements, reforms and their results.

RUWXIY KÁMILLIKTE ÁDEP – IKRAMLÍLIQ MÁSELELERI

E.Tilewov – pedagogika ilimleri boyinsha filsofiya doktori

U.Kurbanbayeva – magistrant

Ájiniyaz atundaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch sózlar: komillik, odob-axloq, ma'naviyat, jamiyat, ta'lim, tarbiya.

Ключевые слова: совершенство, нравственность, духовность, общество, образование, воспитание.

Key words: perfection, moral , spirituality, society, education, upbringing.

Hár bir insannıń óz aldına ruwxıy dúnyası bar. İnsan mánawiyatı onıń kelip shıǵıwı, iymán-isenimi, erk-ıqrarı, dúnyaǵa kózqarası, ádep-ikramlılıǵına baylanıslı bolıp tabıladı. İnsan óz ómiri dawamında kámillikke umtılıp jasaydı. Prezidentimiz óziniń Oliy Majliske jollaǵan múrájatında da, Alisher Nawayı babamızdıń óz dáwirinde jaslarǵa múrját etip, «Quyashtay nur taratıwdı qáleseń, kámillikke umtı» dep jazǵan hikmetli sózlerin keltirip, shınında da, adamlarǵa quyashtay biymınnet nur taratıwdı, jaqsılıq etiwdi qáleytuǵın insan, kámillikke umtılıp, hár qıylı ilim hám kásip-ónerlerdi ózlestiriwi zárúr dep keltirip ótedi. Demek, kámillikke umtılıp jasaw hár bir dáwirde de óziniń áhmiyetli ornına iye. Haqıyqatında da, jámiyettegi bárshe jeńis hám kemshilikler insannıń ruwxıy kamalatına barıp taqaladı. Xalqı ruwxıy tárepten jarlı bolǵan mámleketniń tábiyiy baylıqları esapsız bolsa da, hár qashan abıray-ıtibarǵa ılayıq ullı mámleket bolıwı qıyın. Sol ushin da hár bir jámiyet ózinde jasawshı shaxslardıń joqarı ruwxıyatlı bolıwı ushin qayǵırıwı, olarǵa sol sezimge iye bolıwı ushin qolaylıqlar jaratıwı áhmiyetli bolıp tabıladı. Ádeplilik bolmasa joqarı ruwxıylıqta, kámillik te bolmaydı. Ádepti qádirlaw hám olarǵa ámel etiw-insannıń joqarǵı wazıypası. Usı orında kámillik túsiniǵı hám insan kamalatında ádep-ikramlılıqtıń ornına toqtalıp ótemiz.

Kámillik – kámil insan sıpatı, yaǵnıy erkin pikirlewshi, dúnya tanıwı keń, tuwrı sózli, erk-ıqrarı bekkem, óz Watanına sadıq xızmet etiwshi, jaqsı ádeplerdi ózinde jamlegen insan. Kámillik degenimiz mehir-miriwbet, tuwrılıq, hújdan, ar-namıs, maqtanış, erk-ıqrar kibi kóplegen sap insanıy sıpat hám pazıyletler, sonıń menen birge ádepler jıynaǵı [5:9].

Kámillik – (arabsha jetik, kámil)- insanlar ortasında fizikalıq hám ruwxıy jetiklikniń joqarı dárejesin kórsetiw menen birge hár qanday quramalı hádiyse, is hám háreketke qarata qollanılatuǵın túsiniq. Soǵan kóre kámillikti insannıń bir yaki birneshe tarawlarda ayqın kózge taslanatuǵın, basqalardan unamlı tárepleri menen keskin parq qılatuǵın, ózgeler tárepien joqarı dárejede aytılatuǵın mánawiy yaki fizikalıq jetiklik dárejesi dep táriyplew múmkın. Kámillikke jetisiw bul uzaq dawam etiwshi tálim-tarbiya, ómiri dawamında alatıwı bilim hám tájriybe, aqıl-oy, ádep-ikramlılıq pazıyletleri bir-birin tolıqtırıp barıwshı bir neshe processlerden ibarat [7:243]. Kámil insandı kamal taptırıwda mánawiy tarbiya áhmiyetli orın tutadı.Yaǵnıy kámil insandı jetilistiriw

shıǵarıwda hár bir jas áwladtıń tálim-tarbiyasına hám ilim máripatına itibar beriw lazımlıǵın uqtırıp: “Tiykarǵı itibardı máripatqa jaslardıń mánawiy hám minez-qulıq tarbiyasına qaratıw, olarda bilim hám óz ústinde umtılıwdı qalıplestiriw áhmiyetli dep esaplaymız”- degen edi el basshimiz Sh.Mirziyoyev Astanadaǵı Shanxay Birge Islesiw Shólkeminiń sammitinde shıǵıp sóylegen sózinde.

Kámil insandı tarbiyalaw – ulıwma insanıy ideya. Yaǵnıy, bul – pútkil adamzatqa tán arziw-niyet. Dúnyadaǵı barlıq xalıqlar, milletler hám insanlar perzentleriniń jetik, barksamalı bolıwın árman etedi. Biraq bul maqsetti ámelge asırıwda hár bir xalıq óziniń milliy ózgeshelikleri, dástur hám qádiriylarınan kelip shıǵadı. Sonıń ushin da olar ózleri eń jaqsı, jetik dep bilgen insandarday bolıwǵa umtıladı. Birinshi Prezidentimiz Islam Karimovtıń «Joqarı mánawiyat – jeńilmes kúsh» kitabınıń birinshi babındaǵı «Mánawiyatı qalıplestiretuǵın tiykarǵı ólshemler» dep atalǵan bólimde ullı babalarımız haqqında ájayıp pikirlerdi bildirgen. Sonıń ishinde, ullı shayır babamız Aliysher Nawayı tuwralı mine mına táriyplerdi kámil insan haqqındaǵı eń joqarı táriyp desek boladı: «Eger bul ullı insandı áwliye desek, ol áwliyelerdiń áwliyesi, oyshıl desek, oyshılardıń oyshılı, shayır desek, shayırardıń sultanı sanaladı» [2:47]. Haqıyqıy kámil insan ǵana usınday ullı pazıyletlerdi ózinde jamlewı múmkın. Óz eliniń maqtanışına aylanǵan bunday insanlar dúnyadaǵı basqa xalıqlar arasınan da kópdep jetisip shıqqan. Bul pútkil insanıyattıń jaqsılıq hám barksamalıq jolındaǵı umtılısları óz-ara uyǵın hám ulıwma ekenin kórsetedi. Usı mániste, kámillik ideyası ásirler dawamında tek ayırım shaxslardı ǵana emes, al xalıq hám milletlerdi ullı, iygilikli maqsetlerge qaray baǵdarlaǵan, turmıstıń túrli tarawlarında úlken tabıslarǵa ilhamlandırǵan.

Kámillikti árman etpegen, barksamalı áwladlardı jetistiriw tuwralı oylamaǵan xalıq yáki millet óz keleshegin kóz aldına keltire almaydı.

Aziddin ibn Muxammad an-Nasafiy óziniń “Kámil insan” shıǵarmasında “Kámil insandı tórt pazıylet: jaqsı sóz, jaqsı peyil, jaqsı minez-qulıq hám máripat”- dep kámil insandı táriyp beredi. A.Nasafiy kámil insannıń eki belgisi: jaqsı ádep, ózin-ózi bilıw, ózligin tanıw. Yaǵnıy kámil insan jaqsı minez-qulqı menen óz ózin tanıǵan insan.

Kámillikniń ózine tán ólshemleri bar. Onıń bas ólsheimi insanıylıq, ádep hám joqarı mánawiyat. Sonday-aq, kámillikke umtılıwdı aytıp ótiw lazım. Bul, óz gezeginde, insan